

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2019 йил сентябрь ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг сайёр очик суд мажлиси Миришкор маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, судья З.С.Ибрагимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Ҳамроевнинг котибалигида, Нурота туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Ахмедов, гумонланувчи К.Мамаражабов ва жабрланувчининг қонуний вакили Рахмонова Феруза Садиллоевнанинг иштирокида, Мамаражабов Камол Комиловичга оид 1-2017-1901/32-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш хужжатларига кўра:

Мамаражабов Камол Комилович (Mamarajabov Kamol Komilovich) – 1973 йил 14 январь куни Нурота туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам 1) 26.07.2017 йилда жиноят ишлари бўйича Нурота туман судининг ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган.

оилалик 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, Нурота тумани, “Шаҳристон” МФЙга қарашли Ҳ.Юсупова кўчаси, 15-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланган.

Суд, гумонланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилини кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб қуйидагилар,

А Н И Қ Л А Д И :

Суриштирув хужжатларига кўра, Мамаражабов Камол Комилович 2019 йил 13 август куни тахминан соат 17:00 ларда бошқарувида бўлган 85 А 067 ГА давлат белгили “Матиз” русумли автомашинани Нурота тумани ҳудудидан ўтувчи 4R/55-рақамли давлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлининг 123 км. “Чуя” қишлоғи томонга бошқариб бораётганида, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан қабул қилиниб, 2016 йил 1 март кунидан амалга киритилган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” кичик бандида назарда тутилган “транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айникса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши лозим”лиги ҳақидаги, 54-бандида

назарда тутилган “хайдовчи йўлдан чиқишда ҳаракат йўналишини кесиб ўтаётган пиёдалар ва велосипедчиларга йўл бериши керак”лиги, 77-бандида назарда тутилган “транспорт воситаси ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги ҳақидаги талабларни кўпол равишда бузиб, пиёдалар ўтиш учун мўлжалланган йўлакдан ўтаётган 11.03.2011 йилда туғилган вояга етмаган Мухаммедова Шахноза Хусниддин қизини автомашинанинг олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Натижада, Ш.Мухеммедова Нурота туман суд тиббий экспертиза бўлимининг 26.08.2019 йилдаги 236-сонли хулосасига кўра, “Ўртача оғирликдаги тан жароҳати” олган.

Дастлабки суриштирувда гумон қилинувчи К.Мамаражабов ва жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Рахмоновалар ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Нурота туман ИИБ ҳузуридаги ТБ суриштирувчисининг 2019 йил 28 августдаги қарорига кўра, гумонланувчи Мамаражабов Камол Комиловичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи К.Мамаражабов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчининг қонуний вакилига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Рахмонова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, К.Мамаражабовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили Ф.Рахмонова ва гумон қилинувчи К.Мамаражабовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Нурота туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Ахмедовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, гумон қилинувчи К.Мамаражабовнинг

айбига иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи, жабрланувчининг қонуний вакилларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қилмиш ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, К.Мамаражабовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили Рахмонова Феруза Садиллоевнага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Мамаражабов Камол Комилович (Mamarajabov Kamol Komilovich) га нисбатан жиноят иши тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили Рахмонова Феруза Садиллоевнага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

З.С.Ибрагимов